



PROSPECTS FOR DEVELOPING THE SYSTEM OF TRAINING PROSECUTORIAL PERSONNEL IN THE CONTEXT OF MODERN THREATS

Davurkhon Nodirov

*Head of Department, Associate Professor at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: prosecution bodies, personnel training, retraining, professional development, Law Enforcement Academy, prosecutorial and investigative activity, dual education, digital technologies, virtual learning, professional competence, law enforcement activity, continuous education.

Received: 05.05.26

Accepted: 06.05.26

Published: 07.05.26

Abstract: This article analyzes the legal, organizational, and practical aspects of training, retraining, and professional development of personnel in the system of prosecution bodies of the Republic of Uzbekistan. The article highlights the constitutional and legal foundations of personnel training in prosecution bodies, presidential decrees, orders of the Prosecutor General, as well as the role of the Law Enforcement Academy in this area. In addition, the importance of introducing dual education, distance learning, virtual learning platforms, and practice-oriented problem-based teaching methods is substantiated.

ЗАМОНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ШАРОИТИДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давурхон Нодиров

Кафедра бошлиғи, доцент

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: прокуратура органлари, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, прокурор-тергов фаолияти, дуал таълим, рақамли технологиялар, виртуал таълим, касбий

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Мақолада прокуратура органлари кадрларини

компетенция, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, узлуксиз таълим.

тайёрлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари, Президент фармонлари, Бош прокурор буйруқлари ҳамда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг бу борадаги ўрни ёритилган. Шунингдек, дуал таълим, масофавий таълим, виртуал ўқитиш платформалари ва амалий-муаммоли таълим усуллари жорий этишнинг аҳамияти асослаб берилган.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ В УСЛОВИЯХ СОВРЕМЕННЫХ УГРОЗ

Давурхон Нодиров

Заведующий кафедрой, доцент Академии правоохранительных органов

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: органы прокуратуры, подготовка кадров, переподготовка, повышение квалификации, Правоохранительная академия, прокурорско-следственная деятельность, дуальное образование, цифровые технологии, виртуальное обучение, профессиональная компетенция, правоохранительная деятельность, непрерывное образование.

Аннотация: В данной статье проанализированы правовые, организационные и практические аспекты подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров в системе органов прокуратуры Республики Узбекистан. В статье освещены конституционно-правовые основы подготовки кадров органов прокуратуры, указы Президента, приказы Генерального прокурора, а также роль Правоохранительной академии в данном направлении. Кроме того, обосновано значение внедрения дуального образования, дистанционного обучения, виртуальных образовательных платформ и практико-проблемных методов обучения.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан прокуратура органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, жинойтчиликка қарши самарали курашиш, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилиш каби вазифалар прокуратура органлари ходимларидан юқори касбий билим, амалий кўникма, масъулият, адолатпарварлик ва замонавий ёндашувларни талаб этади.

Прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги, аввало, ушбу тизимда хизмат қилаётган кадрларнинг салоҳияти, профессионал тайёргарлиги ва касбий компетенциялари билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, прокуратура органларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш нафақат ички идоравий вазифа, балки қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув, рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологиялари жадал ривожланаётган шароитда прокурор-тергов фаолияти мазмунан мураккаблашиб бормоқда. Кибержиноятлар, рақамли далиллар, трансмиллий жиноятчилик, коррупция, иқтисодий ва молиявий ҳуқуқбузарликлар, экстремизм ва терроризмга қарши кураш каби йўналишлар прокуратура ходимларидан фақат ҳуқуқий билимларни эмас, балки ахборот технологиялари, рақамли криминалистика, таҳлилий фикрлаш, мулоқот маданияти ва психологик тайёргарлик каби кўникмаларни ҳам талаб қилмоқда.

Шу боис прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, таълим жараёнини амалиёт билан узвий боғлаш, дуал таълим, масофавий ўқитиш, виртуал платформалар ва интерактив методлардан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг ташкил этилиши мазкур соҳада янги институционал босқични бошлаб берди.

Прокуратура органларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ҳуқуқий асослари янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 08 августдаги ЎРҚ-788-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 майдаги ПФ - 5438 – сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ - 257 - сонли Фармонлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташга доир норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар, Бош прокуратура ҳайъатининг қарорлари, Бош прокурор буйруқлари, фармойишлари, кўрсатмалари ташкил этади.

Мамлакатнинг Асосий қонуни ҳақида гапирадиган бўлсак, унда ҳар бир инсон ёки фуқаро меҳнат қилишга ҳақли эканлиги қайд этилган, ушбу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституция ва қонунлари билан мустаҳкамланган ва кафолатланган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 42-моддасида, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш ва фаолият турини эркин танлаш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ишлаш ҳуқуқига эга. Албатта, қонунчилик ушбу тизимда фаолият юритиш, яъни ишлаш учун муайян талабларни қўяди: мисол учун, олий маълумотга эгаллиги (юримдик, иқтисодий, информацион технологиялар ва бошқа), ахлоқий фазилатларга мувофиқлиги шу жумладан, прокуратура органларида ишга киришда махсус шартларни ҳам қўяди, масалан шахс судланмаган, меҳнат қобилиятига (вояга етгани, соғломлиги) эга бўлиши лозим. Бизнинг фикримизча, иш берувчи прокуратура органларида ишлаш истагида бўлган шахсларга муайян талабларни қўйиши бежиз эмас. Иш берувчи томонидан қўйилган бундай талаблар бир ҳисобдан ўринлидир, чунки прокуратура органлари инсон ва фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя (бузилган ҳуқуқларни тиклаш, мансабдор шахсларнинг суиистеъмолликларга чек қўйиш, жиноятчиликка қарши курашиш, аҳолининг заиф қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш) қилишда бошқа органларга қараганда етакчи, муҳим ўринни эгаллайди. Бу қонунчиликда унга юклатилган вазифаларда қўришимиз мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш прокуратуранинг роли катта.

С.А.Муҳаммадиев таъбирича, кадрларни танлаш сиёсати нафақат прокуратура органлари фаолияти учун муҳим, балки давлат манфаатлари ҳамда келгусида инсон ва фуқароларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим саналади. Шу боис, прокуратура органларига кадрларни танлашда пухталиқ билан ёндашиш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари ходимлари ўз касбий фаолиятини муваффақиятли амалга оширишлари учун кўп жиҳатдан билим, малака, тажриба, юқори маънавиятли, профессионализм каби қўникмаларга эга бўлишлари лозим. Ушбу ютуқларга ва фазилатларга эга бўлишлари учун, ҳар бир прокуратура ходими муайян соҳада малака оширган бўлишлари лозим. Негаки, биринчи навбатда, малака ошириш прокурорларнинг хизмат бурчидир. Шу билан бирга, таълимга бўлган муносабат ва касб маҳоратининг ўсиши прокурорнинг эгаллаб турган лавозимига муносиблиги, уни рағбатлантириш ва хизмат бўйича рағбатлантириш масалаларини ҳал этишда ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, прокурорлик фаолияти кўп қиррали (функцияни бажарган учун) бўлганлиги учун, прокуратура ходимларига юқори талабларни қўяди. Чунончи, амалдаги қонун ҳужжатларига биноан, ўз касбий фаолиятларини муваффақиятли бажаришлари учун прокурорлар: амалдаги (мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасидаги олиб борилаётган ислохотларни) қонун ҳужжатларини билиши; қонун ҳужжатларида зиддиятлар ва бўшлиқларни аниқлаш мақсадида уларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қила олиши; прокурорлик тактикаси асосларини юқори профессионал даражада эгаллаши ва прокурорлик фаолиятини амалга ошириш усуллари ва услубларини такомиллаштириш ҳамда прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш йўллари, аҳоли ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар коммуникатив муносабатларни шакллантириш қобилиятларига эга бўлиши лозим. Қайд этиш лозимки, бугунги кунда, Давлат раҳбари ва Бош прокурор томонидан прокуратура тизимида салоҳиятли ва профессионал кадрларга эга бўлиши учун, барча зарур шарт-шароитларни таъминламоқда. Бунинг учун, қонун чиқарувчи, зарур ҳуқуқий асосларини таъминлайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 431-моддасига мувофиқ, ҳар бир прокуратура ходими илмий, ижодий ва педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкинлиги қайд этилган. Демак, амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ, ҳар бир ходим ўз шахсий интеллектуал, маънавий, ахлоқий, ижодий, билим, кўникма, қобилият, тажриба ва (ёки) касбий ривожланиши мақсадида ўқиш, малака ошириш ва илмий тадқиқотлар олиб боришга ҳақлидир. Албатта, қонун чиқарувчи, зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида прокуратура органлар тизимида илмий тадқиқотлар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида белгиланган тартибда идоравий илмий муассасалар ва ўқув юртлари ташкил этилиши мумкинлигини белгилаб қўйган (Қонуннинг 53-моддасининг биринчи қисми).

Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш давлат сиёсати даражасида кўтарилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 майдаги ПФ - 5438 – сонли Фармони қабул қилинган. Унда, прокуратура органлари ходимларида билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ва ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя

этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминловчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш каби бошқа кўплаб масалалар ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ - 257 - сонли Фармонида, замон талабларига жавоб берадиган тергов соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш бўйича масалалар қўйилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг амалдаги буйруқларидаги қоидалар бунинг тасдиғи ҳисобланади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида” 2016 йил 29 августдаги 131-сонли буйруғида:

а) прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш салоҳиятига ҳамда юксак маънавий-ахлоқий фазилат ва масъулиятга эга профессионал кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ва тайёрлаш;

б) ходимлар малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш борасидаги фаолиятни тизимли равишда амалга ошириш, шу жумладан уларни юридик фан, суд, прокурор-тергов ва тезкор-қидирув амалиётининг энг янги ютуқлари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таништириш;

в) ходимларнинг касбий маҳорати ва интеллектуал салоҳиятини мустақил равишда оширишни рағбатлантириш;

г) захирани ҳар томонлама тайёргарликка эга ходимлар ва раҳбар кадрлар таркибидан шакллантириш каби асосий вазифалар этиб белгиланган.

Бундан ташқари, 2025 йилнинг 17-19 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев бошчилигидаги делегациянинг Саудия Арабистони Подшоҳлигига хизмат сафари амалга оширилган. Мазкур сафар доирасида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Бош прокурори Сауд бин Абдуллоҳ ал-Муажиб, Коррупцияга қарши курашиш ва назорат қилиш идораси (Назаха) раҳбари Мазин ал-Қахмус, Экстремизмга қарши курашиш бўйича Глобал маркази (Etidal) Бош котиби Мансур

Ал-Шаммари, Миллий киберхавфсизлик идораси (NCA) бошқарувчиси Мажид Ал-Мазиед, Маълумотлар ва сунъий интеллект идораси (SDAIA) таркибидаги Миллий маълумотлар маркази директори Эсам бин Абдуллоҳ Алвагаит билан учрашувлар бўлиб

ўтди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Бош прокуратураси ва Саудия Арабистони Прокуратураси ўртасида тажриба алмашиш, қўшма тадбирлар ўтказиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини оширишга қаратилган 2026-2027-йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастури имзоланган. Мазкур дастур доирасида, прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш борасидаги тадбирларни амалга ошириш, чет давлатларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалиётини ўрганиш ҳамда улар билан тажриба алмашиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бунинг натижасида, 2025 йил давомида прокуратура ходимларнинг малакасини ошириш ва бошқа мақсадларда прокуратура органларининг жами 212 та хизмат сафарида 419 нафар, шу жумладан Бош прокуратура – 107 хизмат сафари, 215 нафар, Академия – 53 та хизмат сафари, 76 нафар (63 нафар ходим ва 13 нафар тингловчи ва талабалар), Департамент – 40 та хизмат сафари, 94 нафар, Бюро –

12 та хизмат сафари 34 нафар ходимларнинг хорижий давлатларга хизмат сафарига юборилиши ташкил этилган.

Юқоридан маълум бўладики, биринчидан, ҳар қандай даражадаги прокурор ўз касбий малакасини доимий (узлуксиз) равишда ошириб бориши шартлигини англатади, иккинчидан, прокуратура органлари тизимида кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ажралмас қисми эканлигини ташкил этади. Учинчидан, зарур бўлган соҳаларида малака оширган прокурорлар, келгусида ўз фаолиятида хато-камчиликларга йўл қўймасликларига хизмат қилади.

Авваламбор, ҳаммамизга маълумки, сўнги йилларда суд-ҳуқуқ соҳалари кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда, бу ўз навбатида, прокурор назорати билан боғлиқ қонунчилик янгиланиш тенденцияси давом этмоқда эканлигини билдиради, демак уни қўллаш амалиёти доимий равишда ўзгариб бормоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар (тизимга сунъий интелект, инновацион рақамли технологияларни кириб келиши), маълум даражада, прокуратура органлари кадрлари ушбу жараёнларни доимий равишда ўрганиб боришлари ва шу асосда қонунчиликдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда прокурор назорати ва дастлабки терговнинг янги ва янада самарали шакл ва усулларини шакллантиришлари лозимлигини кўрсатмоқда. Шу боис, прокуратура органлар тизимида прокурорлик-тергов йўналишида кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш доимий равишда амалга ошириш зарурати мавжуд.

Сўнги йилларда давлат раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида прокуратура органлари учун кадрлар тайёрлаш амалиётида жиддий ўзгаришлар юз берганини алоҳида таъкидлаш муҳимдир. Прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун терговчиларни давлат томонидан тайёрлашнинг нисбатан янги самарали тизими ташкил этилди.

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб салоҳиятли ишлаб олиб борилди. Бунинг учун, прокуратура органлари ходимларини зарур билим ва кўникмаларга ўргатиш борасида муайян таълим ва илмий салоҳият шакллантирилди. Хусусан, 2007 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш билан шуғулланувчи Олий ўқув курслари фаолият юритмоқда. Олий ўқув курсларида 2007 — 2017 йиллар давомида 4 318 нафар ходимнинг малакасини ошириш ва 186 нафар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш таъминланди. Бироқ, бугунги кунда замонавий вазифаларни самарали бажара оладиган муносиб кадрлар таркибини шакллантиришни талаб этмоқдалиги қайд этди.

Бунинг асосий сабаби, дунёда рўй берган янги технологияларнинг жадал ривожланиши жумладан, рақамли технологиялар, глобал Интернет тармоғи, сунъий интелектни пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида глобаллашув жараёнида янги мафкуравий (кибертерроризм, экстремизм) ва тармоқлараро (киберфирибгарлик ва бошқа кибер) таҳдидларни юзага келтирди. Мамлакатда замонавий ички ва ташқи таҳдидларга қарши курашиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз фаолиятида янги замонавий билим, кўникма ва тажриба ортириш зарурати юзага келди. Шу боис, прокуратура органлари тизимида замонавий билим, малакага эга бўлган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш заруриятини тақозо этди.

Шу мақсадда, давлат раҳбарининг тегишли фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш билан шуғулланувчи Олий ўқув курслари фаолияти тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг асосий вазифаларидан бири этиб, прокуратура органлари ходимларида билим ва

қўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ва ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминловчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш кабилар белгиланди.

Академияда ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг касбий фаолияти билан узвий боғлиқликка таянган ихтисослаштирилган ҳолда мутахассисликлари бўйича кадрларни танлаш, тайёрлаш ва малакасини ошириш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2023 йил 13 январдаги 273-сонли буйруғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Устави тасдиқланди. Академияда: прокуратура органлари ходимларини, шу жумладан, ишдан ажралмаган ҳолда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни; прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш мақсадида захирада турган кадрларни, шунингдек, суриштирувчи ёки терговчи лавозимларига тайинлаш мақсадида ваколатли давлат органлари ходимларини касбий қайта тайёрлашни; ваколатли давлат органларининг суриштирув ва тергов тузилмалари ходимлари, шунингдек, прокуратура органлари ходимларининг малакасини оширишни; коррупцияга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳаларида махсус ўқув дастурлари асосида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни; қонунчиликка мувофиқ олий малакали илмий ва илмий - педагог кадрлар тайёрлаш каби вазифалар белгиланган.

Замонавий таҳдидларга жавоб бериш, жиноятларни мураккаблаштириш ва қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар тизимида профессионал кадрларни тайёрлаш зарурати пайдо бўлди. Бу айниқса, тергов йўналишида яққол сезилди, чунки рақамли жиноятларни ўсиши (электрон далилларни пайдо бўлди) рақамли криминалистика билиши тақозо этди, шунингдек жиноятларни мураккаблаши психология соҳасида билимларни ўзлаштириш зарур бўлди. Бу билимлар электрон далилларни самарали тўплаш, баҳолаш, ҳодиса жойларни учувчи аппаратлар ёрдамида синчиклаб кўздан кечириш, яъни тергов ҳаракатларини профессионал даражада ўтказиш учун зарур. Демак, тергов йўналишида замонавий технологиялар қўллай оладиган профессионал (замонавий билим, тажрибага эга) мутахассисларга бўлган юқори эҳтиёж билан боғлиқ. Бу ерда, нафақат, ҳуқуқий билимларни билиши ўзи етарли эканлиги, балки IT, учувчи аппаратларни қўллай оладиган криминалист-терговчилар кераклигини кўрсатди.

Тергов соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ–257-сон Фармони қабул қилинди. Бу билан, Академияда жиноятларни тергов қилиш соҳасида кадрларни амалиёт билан узвий боғлаган ҳолда ўқитиш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилди. Шу билан бирга, таълим даргоҳида махсус касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказишга қаратилган дастурлар асосида тергов ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа соҳаларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; жиноятларни тергов қилиш методикаси ва тактикасини самарали белгилаш асосида жиноят ишлари бўйича мустақил иш юритиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш методларини таълим жараёнига татбиқ этиш кабилар йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокуратура органлари кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган талаблар тўғрисида” 2023 йил 14 декабрдаги 289-сонли буйруғига асосан, прокуратура органларига илк бор хизматга қабул қилинган ходимларни бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш, прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш

учун заҳирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш йўналишида ташкил этилди. Ушбу буйруққа асосан, илк бор хизматга қабул қилинган ходимларни ихтисослашув касбга тайёрлаш, касбий қайта тайёрлаш ва раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун заҳирада турган кадрларни қайта тайёрлаш мақсад ва вазифалари белгиланган.

Хусусан, касбий қайта тайёрлашнинг мақсади – прокуратура органлари тизимига илк бор хизматга қабул қилинган ходимларга прокурор-тергов фаолияти ва прокуратура органларида иш юритиш асосларини ўқитиш, уларда хизмат фаолиятини амалга ошириш учун зарур билим ҳамда бирламчи касбий кўникмаларни шакллантиришдан иборатлиги қайд этилган. Раҳбар кадрларни қайта тайёрлашнинг мақсади – кадрларнинг билим ҳамда кўникмаларини чуқурлаштириш, улар томонидан фаолиятни ташкил этишнинг инновацион шакл ва усуллари ҳамда бошқарув асослари ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, уларда прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг самарали механизмларини яратиш ҳамда истиқболни кўра олиш салоҳиятини шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга, ходимларнинг малакасини оширишнинг мақсади – уларга

қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, прокурор-тергов фаолиятининг илғор ютуқларини ўргатиш, фаолият учун зарур касбий маҳоратини такомиллаштириш, шунингдек, тизимли камчиликларни бартараф қилиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Сўнги йилларда Академияда прокуратура ходимлари учун узлуксиз таълим тизими йўлга қўйилди. Бинобарин, Академияда таълим олаётган тингловчиларга қулайликлар яратиш учун кундузги, кечги, масофавий таълим шакли ташкил этилган. Бундан ташқари, таълим олувчилар дарсларни масофада туриб онлайн ёки офлайн шаклида дарс машғулотларни олиб борилади. Аниқ мақсадга қаратилган шу жумладан, ихтисослик йўналиши бўйича замонавий стандартларга жавоб берадиган ўқув дастурлар ва режалар ишлаб чиқилган. Таълим олувчилар назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштиришлари учун кўп йиллик юқори тажрибага эга бўлган, шунингдек, илмий даража ва унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар дарс машғулотлари олиб борадилар. Дарс машғулотлари тизимли таҳлил, танқидий фикрлаш, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмасини хосил қилиш шунингдек, жамоада ижобий психологик муҳитини ўрнатаоладиган компетентли ходимларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Тингловчилар ўқув жараёнларида амалий-муаммоли масалаларини ўрганиш ва ҳал қилиш, даврий стажировка ўташ, доимий семинарлар, нуфузи илмий-амалий конференцияларда иштирок этадилар. Ҳар йили Академияда прокуратура ходимлари касбий маҳорат ва компетентликни ошириш учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув жараёнларида қатнашиб келадилар.

Бундан ташқари, прокуратура ходимлари учун Академияда таянч докторантура ва докторантура (ишдан ажралмаган ҳолда мустақил изланувчи бўлиш имконияти мавжуд) ўқитиш тизими йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёев, Ўзбекистон олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор йўналишлар бўйича вазифалар белгилаб олинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармонида, республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш бўйича устувор вазифалар қўйилган.

Олий таълим муассасаларини рейтингини ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи-профессорларнинг юқори салоҳияти ва тажрибага эгаллиги, ўқув-дастурларнинг тўғри тузилганлиги, ўқув хоналарда жиҳозларнинг таъминланганлиги билан боғлиқдир. Бироқ, юқоридаги қайд этилган восита ва усуллар билан юқори малакали кадрларни тайёрлашга эришиб бўлмайди. Бугунга кунда, ўқитиш тизими бевосита замонавий таълим стандартлар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, дарс жараёнлари бир вақтнинг ўзида амалиёт билан боғланган ҳолда яъни уйғунликда ташкил этилгани кўп жиҳатдан талаба ва тингловчилар бир вақтнинг ўзида ҳам назарий, амалий тажриба, касбий кўникмаларга эга бўлади, балки қобилиятларни номоён қилиш имконияти туғулади. Бу ўз навбатида, келгусида (иш берувчига) муассаса ва ташкилотларга тайёр кадрларни етказиб беришга эришиш мумкин.

Қайд этиш жоизки, таълим жараёнларини амалиёт ва назария билан бирга уйғунликлада ташкил этиш, давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонининг 47-мақсадида, ривожланган мамлакатлар ўз самарасини берган таълим тизимини ўрганиш, айниқса рейтинг баланд топ университетларни, жумладан уларнинг “Дуал таълим” тизимини ўрганиш орқали, миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш назарда тутилган.

Дарҳақиқат, таълим жараёнларида дуал ўқитиш тизимини йўлга қўйиш келгусида буюртмачи (давлат органлари) манфаатларига жавоб берадиган кадрларни етказиб беришга эришиш мумкин бўлади. Дуал таълим орқали кадрларни эрта, мустақил тайёр бўлишга, келгуси фаолиятига (мослашувчан) тайёр амалиётчи ходимларни етказиб беришга эришиш мумкин бўлади. Бу, бугунги кунда замонавий меҳнат бозори кадрларни етиштирувчи таълим муассасаларга янги талабларни қўйиши билан изоҳланади.

Дуал таълимнинг асосий мақсади кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини яратишдир. Энг муҳими, иш берувчига тайёр салоҳиятли кадрларни етказишга эришилади. Яъни, илгари анъанавий тизим бўйича таълим даргоҳни битирган кадр муайян ишга жойлашгандан сўнг, муассасаса, ташкилотда амалий иш тажрибасига эга бўлиш учун, ўртача бир йил вақт кетади, бу иш берувчига бир йил йўқотиш дегани. Айнан, дуал таълим ушбу ўртадаги тафовутни, яъни вақт йўқотишни бартараф этишга эришишга имкони беради. Ҳаммамизга маълумки, муассасаса, ташкилотлар ўзи учун кадрлар танлаш ва тайёрлаш учун бир неча йил вақт олади. Шунинг учун, ўқув дастурларга дуал тизимини

жорий қилиш истиқболли таълим шакллардан биридир. Бу бир вақтнинг ўзида, ҳам назария, ҳам амалиётни бирлаштиришга ҳамда касбий мослашувчанликка эришилади. Ҳозирги кунда Академияда дуал таълим жорий этилган бўлсада, баъзи ҳужжатларда унинг ҳуқуқий асоси мустақамланмаган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2023 йил 13 январдаги 273-сонли буйруғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Уставининг 2-бобига куйидаги мазмунда тўлдириш таклиф этилади: “ўқитишнинг замонавий шакллари, педагогик ва ахборот технологиялари асосида назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлаган ҳолда дуал таълим, шу жумладан, масофавий таълим шаклида таъминлашга қаратилган ўқув жараёнини ташкил этиш”.

Бугунги кунда, информацион технологиялар ҳаётнинг барча жабҳаларни қамраб олди шу жумладан, прокуратура органлари тизимида катта аҳамиятга эга. Айниқса, шахс, жамият ва давлат органларига сунъий интелект, инновацион рақамли технологиялар таҳдидлар уйғотиш билан бирга, унинг ижобий яъни ижтимоий фойдали томонлари ҳам мавжуд.

Масалан, прокуратура ходимлари рақамли ёки вертуал ўқитиш дастурлари тизими орқали касбий қайта тайёрлаш ва малакасини оширишлари мумкин. Қайд айтиш лозимки, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида вертуал платформаси орқали ўқитиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда вертуал платформа орқали баъзавий ёки махсус дастур асосида ташкил этилган курсларда ўз ҳуқуқий билимларни ривожлантиришлари мумкин.

Вертуал ўқишнинг ижобий жиҳати шундаки, тингловчилар билимларни виртуал реаллик асосида билимларга эга бўлишлари мумкин бўлади. Мисол учун, реаллик асосида саҳналантирилган қотиллик, ўғрилик, киберфирибгарлик каби жиноятларни тергов ва суд қилишлари мумкин бўлади. Бунда, жиноят содир бўлган жойни вертуал кўздан кечириш, изларни аниқлаш, баённомада қайд этиш, экспертиза тайинлаш, тергов йўналишини белгилаш, гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчиларни сўроқ қилиш, жиноят мотивларни аниқлаш, жиноят ҳодисаси қандай содир бўлганлагини ва ундан олдин нима содир бўлганини аниқлаш, айблов ҳулосасини тузиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкониятлари пайдо бўлади. Демак, тингловчилар ишларни тергов қилишда реал ҳаётий шароитида ўтказадилар. Шахсий тинтув, бино ва иншоатларни тинтув қилиш, олиб қўйиш каби тергов ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. Энг муҳими, киберфирибгарлик жиноятларини содир қилган шахсларни кибер оламдан уларнинг

изларини қидириш, тергов қилиш, географик жиҳатдан узоқлашган серверларни аниқлаш каби ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин.

Бу ўз навбатида, тингловчилар учун зарур касбий йўналишда қобилиятлар ва фазилатларни номоён қилишга, ҳолатни таҳлил қилиш ва мантиқий фикрлаш, асосли хулосалар чиқаришга, келгусида жиноятларни муваффақиятли тергов қилиш учун кўпинча етишмайдиган профессионал кадрларни етиштириш имкониятини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилишдаги ўрни ушбу тизимда хизмат қилаётган кадрлардан юқори профессионализмни талаб этади.

Фикримизча, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш учун қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ўқув жараёнларини назария ва амалиёт уйғунлиги асосида ташкил этиш, дуал таълим механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш;

иккинчидан, прокурор-тергов фаолиятига оид ўқув дастурларини рақамли криминалистика, киберхавфсизлик, сунъий интеллект, электрон далиллар билан ишлаш ва таҳлилий фаолият йўналишлари билан бойитиш;

учинчидан, прокуратура ходимларининг малакасини оширишда виртуал реаллик, симуляцион машғулотлар ва интерактив кейслардан кенг фойдаланиш;

тўртинчидан, раҳбар кадрларни қайта тайёрлашда стратегик бошқарув, лидерлик, инқирозли вазиятларда қарор қабул қилиш ва жамоани бошқариш компетенцияларини ривожлантириш;

бешинчидан, прокуратура органлари ходимларининг илмий, ижодий ва педагогик фаолият билан шуғулланишини рағбатлантириш орқали тизимда илмий-инновацион муҳитни кучайтириш зарур.

Шундай қилиб, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини замонавий талаблар асосида ривожлантириш қонун устуворлигини таъминлаш,

инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти сифатини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2026.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 257-II-сонли “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 08 августдаги ЎРҚ-788-сонли “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ - 257 - сонли “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2026.
7. Муҳаммадиев С.А. Дастлабки тергов жараёнини такомиллаштиришда терговдаги тизимли камчиликларга барҳам бериш зарурияти. Ҳуқуқ магистр даражасини олишга ёзилган диссертация. ЎЗР Бош прокуратура академияси. -Т.: 2020. -Б. 23-24.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 257-II-сонли “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ - 5438 – сонли “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ - 257 - сонли “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 29 августдаги 131-сонли “Кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Буйруғи.
12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йилги маълумоти.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ - 5438 – сонли “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ -5438-сонли “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2023 йил 13 январдаги 273-сонли буйруғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Устави.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–257-сон Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2023 йил 14 декабрдаги 289-сонли “Прокуратура органлари кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Буйруғи.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

20. <https://virtual.proacademy.uz/>.